O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.N
Majburiy bepul nusxa

XDP
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 14-dekabr • Seshanba • 146 (31.266) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (ОДКБ) КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Қуйида ана шу нутқ матни чоп этилмоқда.

Муҳтарам давлат раҳбарлари.

Сизларни қутлашга ва Россия томонига, Россия Президенти Дмитрий Анатольевич Медведевга самимий қабул ва анъанавий меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бугунги саммит кун тартибидаги асосий масала — ОДКБ коллектив хавфсизлик тизимини янада такомиллаштиришдир.

Биз ОДКБ қарорларининг самарадорлиги ва уларнинг тезкорлик билан қабул қилинишини таъминлаш, Ташкилотнинг можароли вазиятларга самарали муносабат билдириш имкониятларини мустаҳкамлаш борасидаги ташаббусларни асосли ҳамда ўз вақтида илгари сурилган, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъий позициясини яна бир бор алоҳида таъкидламоқчиман: ОДКБнинг вазифаси — бу, ОДКБ давлатлари ўртасидаги ва МДҲ маконидаги турли қарама-қаршиликлар ва можароларни ҳал этишда қатнашиш эмас, балки, аввало, Ташкилотга аъзо мамлакатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Биз, шунингдек, ОДКБга аъзо у ёки бу давлатлар ичида «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» юзага келган ҳолларда унга Ташкилотнинг аралашуви ёхуд таъсир кўрсатишига асло йўл қўймаслик зарур, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг принципиал позициямиз шундан иборат ва Тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучлар тўғрисидаги битимни имзоламаганимизнинг сабаби ҳам шунда.

Бунда у ёки бу мамлакат ичидаги «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» турли сценарийлар бўйича, ташқи кучларнинг бевосита аралашуви ва молиялаштируви орқали юзага келиши мумкинлигини эътиборга олиш даркор.

Шу боис «зўравонлик хатти-ҳаракатлари»нинг ҳақиқий ташкилотчиларини аниқлаб олиш зарур. Шундан кейингина муайян қарор қабул қилиш мумкин.

Жорий йил 10-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар барчамиз учун кўп жиҳатдан сабоқ бўлиши керак. Ушбу воқеалар мамлакат ичидаги қарама-қаршиликлар ва можароли вазиятларнинг ҳақиқий сабабини синчковлик билан ўрганмасдан, бу жараёнларга аралашиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар томонлама ўйламасдан, уларни ҳал этиш учун Ташкилотнинг аралашувига мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини яна бир бор кўрсатди.

11-12 июнь кунлари ўзбек миллатига мансуб 100 мингдан зиёд қочқинлар, аввалambор, ёрдамга муҳтож хотин-қизлар, болалар ва қариялар Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида рўй берган миллатлараро хунрезликлардан қочиб, Ўзбекистоннинг Фарғона водийсидаги чегарасини кесиб ўтди.

Мен ҳозир бу одамларни жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, чегара ҳудудида тартибни сақлаш ва улар ўзини ҳимояланган деб ҳис қилиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида юзага келган улкан муаммолар, бунинг учун сарф этилган ресурс ва маблағлар ҳақида гапириб ўтирмайман.

Бу одамлар чегарадан ўз хоҳиши билан ёки Қирғизистон жанубида яшаш ёқмагани учун ўтгани йўқ. Улар у ерда юз йиллар мобайнида қирғизлар билан ёнма-ён яшаб келган ва бундан кейин ҳам яшайди. Бунга бизнинг ҳам, Қирғизистон Президенти Роза Отунбоеванинг ҳам ишончи комил. Қирғизистон жанубида ҳамон сақланиб турган кескин вазиятдан чиқишнинг йўли шундан иборат эканига ишонаман.

Агар аҳолимиз ўртасида осойишталикни сақлай олмаганимизда ва турли ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олмаганимизда Ўзбекистоннинг қарийб 300 минг қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайдиган Фарғона водийси ҳудудида қандай фожиали воқеалар рўй бериши мумкинлиги ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

Роза Отунбоева ташаббусига биноан 11 июнь эрта тонгда мен у билан телефон орқали узоқ гаплашдим. Шунда мен уни ҳар қандай ҳолатда ҳам биз томондан бирорта ҳам одам Қирғизистон чегарасидан ўтмайди, деб ишонтирдим ва ўз сўзимнинг устидан чиқдим.

Ўш Андижон шаҳридан узоғи билан 40 километр, чегарадан эса борйўғи 15 километр масофада жойлашган. Агар ушбу қалтис пайтда вазиятни назоратда сақлаб турмаганимизда, Қирғизистон жанубидаги миллатлараро қарама-қаршилик Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айланиб кетган бўлур эди.

Бошқача айтганда, Қирғизистон жанубида рўй берган қонли воқеалар оқибатларини олдиндан айтиш қийин бўлган улкан фожиага айланиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Ушбу қонли воқеаларнинг сабаби нимада, уларнинг буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочилари кимлар экани — бу алоҳида масала.

Сизларнинг эътиборингизни қуйидаги масалага яна бир бор қаратмоқчиман. Агар битта бўлса ҳам ҳарбий хизматчи, Ўзбекистон, Қозоғистон ёки Россия ҳарбий хизматчиси бўлишидан қатъи назар, Қирғизистон чегарасидан ўтганида, бу кейинчалик жиловлаш қийин бўлган катта можарога олиб келиши мумкин эди.

МДҲ ҳудудида бунга мисоллар кўп. Масалан, Арманистон ва Озарбойжон 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўзаро мақбул бўлган келишувга эриша олмаётир. Можаро рўй берган дастлабки йиллардаёқ унинг ёйилиб кетишига йўл қўймаслик керак эди. Эҳтимол, шунда томонлар бугун юзага келган вазиятни бартараф этиб, ўзаро муросага келган бўлар эди.

Мен бу мисолларни ҳар бир алоҳида вазиятда биз «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» деб атаётган воқеаларнинг ҳақиқий сабабларини ниҳоятда жиддий ўрганиб чиқиш кераклигининг далили сифатида келтирмоқдаман.

Айнан шу сабабли Ўзбекистон можароли вазиятларга ОДКБ муносабат билдириши тартиби тўғрисидаги Низомни имзоламаётир.

Биз, шунингдек, ОДКБнинг тинчликпарвар кучлари тўғрисидаги баёнотни ҳам имзоламаймиз. Бизнинг қароримизнинг моҳияти шундан иборатки, бундай тинчликпарвар кучларда иштирок этиш ҳар доим ихтиёрий хусусиятга эга бўлган ва Ўзбекистон ўз ҳудудидан ташқаридаги тинчлик ўрнатиш операцияларида иштирок этмайди.

Эътиборингиз учун ташаккур.

**Депутат ва ҳаёт**



## Аҳолининг ижтимоий фаоллиги

### *Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати билан учрашув чоғида яққол намоён бўлди*

Учрашувга Олтиариқнинг Повулғон қишлоғи аҳолиси йиғилди.

— Биз Ўзбекистон Халқ демократик партияси номзоди учун овоз бергандик, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳматулло Олимов. — Партия ва унинг депутатлари электорат манфаатига доир қандай амалий иш қилаяпти? Аҳоли, аввало, шуни билишни истайди.

ЎзХДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Қаҳҳор Ибрагимов дастлаб Президентимиз илгари сурган Концепция мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди:

— Унда белгиланган эзгу ғоялар, қатор қонунчилик ташаббуслари сиёсий партиялар зиммасига жиддий масъулият юклайди. Бу қонунлар қабул қилинишидан партиямиз электорати манфаатдор бўлади. Биз барча масалалар ечими замирида манзилли ижтимоий ҳимоя туриши тарафдоримиз. Шу сабабли, қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилаётганда масалага шу нуқтаи назардан ёндашамиз.

Учрашув чоғида Авазбек Муродов ногиронларга бериладиган имтиёзлар, Қаҳрамон Орипов солиқ юки камайтирилиши, Акбарали Комилов эса депутатлик гуруҳи ишини янада фаоллаштириш каби масалалар юзасидан фикр билдиришди. Расман ишсиз, аммо меҳнат билан банд кишилар манфаатларини ҳимоялаш юзасидан мулоҳаза ўртага ташланди.

— Олтиариқ мисолида олсак, аслида ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Ҳар бир хонадон, кўча бўйларига узум экканмиз. Камида 5-6 сотих узумзори бўлмаган оила йўқ қишлоғимизда. 5-6 сотих узумзорда камида икки киши меҳнат билан банд бўлади. Ўз томорқасида ишлаб, рўзғор тебратаётган киши бандлиги тўғрисида қонуний меъёрлар киритиш масаласига эътибор бериш керак, — деди «Ишонч» МЧЖ раиси Мадаминжон Муҳитдинов. — Шунда уларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатланади.

Шу куни депутат маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари учун ташкил этилган «Қонунлар ижросини таъминлашда депутатлик назоратини кучайтириш» мавзусидаги семинар-тренингда иштирок этди.

— Мамлакатимизда ҳар йили қарийб бир миллион янги иш ўрни яратилаяпти. Айниқса, ўрта махсус ва олий ўқув юртларини битираётган ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласи ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб қилади. Бу борада партиямиз депутатлик гуруҳлари узоқни кўзлаб иш тутиши зарур, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Фурқат Ҳомидов. — Хусусан, биз янги иш ўринлари яратиш дастурининг жойларда бажарилиши юзасидан депутатлик назоратини доимий олиб боришимиз лозим.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЮРТИМИЗ ИМКОНИЯТИ, ҚУДРАТИНИ НАМОЁН ЭТГАН ҒАЛАБАЛАР →3

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА
*биринчи галдаги вазифа аҳоли хавфсизлигидир* →4

**Эътироф**

*Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ)да Ўзбекистон энг адолатли позицияни тутаётир. Ташкилот доирасида минтақавий масалаларга тор доирадаги манфаатни кўзлаб эмас, аксинча, юз минглаб одамлар тақдири билан боғлиқ ечим сифатида қараш лозим. Этник келишмовчиликлар сунъий уюштирилиб, авж олдирилаётган ҳозирги замонда ушбу ташкилот муҳим минтақавий тузилма сифатида ҳар қандай фавқулодда вазият юзасидан аниқ бир тўхтамга кела олиши, бундай ҳаракатларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиши зарур. Ислом Каримовнинг саммитда таъкидлаган фикрларини аъзо мамлакатлар сиёсатдонлари суверенитет барқарорлигининг муҳим омили сифатида чуқур таҳлил қилиши ва зарурий хулосани чиқариши лозим, деб ўйлайман».*

**Мубориз АХМЕДОГЛУ,**
***Сиёсий инновациялар ва технологиялар маркази раҳбари, Озарбойжон.***

**ЎзХДП маҳаллий ташкилотларида**

## Тадбир сиз учун фойдали бўлдими?

*бу саволга иштирокчиларнинг аксарияти ижобий жавоб берди. Аммо...*

*Хўш, одамларга фойдаси бўлмаган, ҳеч бўлмаса, бир оғиз янги гап, янги фикр айтилмаган, кўпчиликнинг беҳуда вақтини олган бундай тадбирлар кимга керак? Аксинча, оз бўлсин-у, соз бўлсин. Йиғилишга келган одам бир нима олсин!*

→2

Жиноятга жазо муқаррар

## ҚАЛЛОБЛИКНИНГ ҚИРҚ БИР УСУЛИ

→3

***Бандихон туман ижтимоий таъминот бўлимининг нафақа ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи собиқ бошлиғи Абдирашит Донаев ҳамда иш юритувчи Ислом Жўраевларнинг кирдикорлари, найранглари ҳақида***

**ОБ-ҲАВО 14-15.12. 2010**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 18°C | 20°C |
| Самарқанд | 15°C | 20°C |
| Нукус | 15°C | 20°C |
| Қарши | 17°C | 22°C |
| Урганч | 15°C | 20°C |
| Навоий | 15°C | 20°C |
| Фарғона | 13°C | 18°C |
| Бухоро | 15°C | 20°C |
| Андижон | 13°C | 18°C |
| Наманган | 13°C | 18°C |
| Термиз | 17°C | 22°C |
| Жиззах | 15°C | 20°C |
| Гулистон | 15°C | 20°C |
| Тошкент вил. | 15°C | 20°C |
| Лондон | 2°C | 2°C |
| Париж | -1°C | -1°C |
| Москва | -8°C | -7°C |
| Мадрид | -5°C | -2°C |
| Пекин | 1°C | 3°C |
| Гонгконг | 10°C | 11°C |
| Рим | 4°C | 5°C |
| Анқара | 8°C | 6°C |
| Токио | 7°C | 7°C |
| Стокгольм | -8°C | -9°C |
| Кейптаун | 11°C | 9°C |
| Қоҳира | 8°C | 8°C |
| Гавана | 10°C | 9°C |
| Вашингтон | -2°C | -3°C |



Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг янги лаборатория биноси фойдаланишга топширилди.

**Суратда:** *(чапдан) техник синовчи Ойбек Шоабдураҳимов ва синовчи муҳандис Ғайрат Баҳромов.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 14 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1612,01 | 1 Миср фунти | 282,47 | 1 СДР | 2518,09 | 10 Жанубий Корея вони | 14,29 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2584,16 | 1 Канада доллари | 1620,84 | 1 Туркия лираси | 1085,61 | 10 Япония иенаси | 194,73 |
| 1 БАА дирҳами | 445,67 | 1 Хитой юани | 245,82 | 1 Швейцария франки | 1664,52 | 1 Россия рубли | 53,04 |
| 1 АҚШ доллари | 1636,89 | 1 Малайзия ринггити | 522,80 | 1 Евро | 2177,84 | 1 Украина гривнаси | 205,86 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**ЎзХДП маҳаллий ташкилотларида**

# Тадбир сиз учун фойдали бўлдими?

## *бу саволга иштирокчиларнинг аксарияти ижобий жавоб берди. Аммо...*

**Жиззах шаҳар партия кенгаши билан халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташкил этган тадбирга депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, шаҳар партия кенгаши аъзолари, фаоллар, ижтимоий шерик ташкилотлар ҳамда электорат вакиллари таклиф этилди.**

Унда партия Ҳаракат дастури ижроси бўйича шаҳар партия ташкилоти амалга оширган ишлар таҳлили ва бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.

Шаҳар партия кенгаши раиси Носиржон Сиддиқовнинг маърузаси ва муҳокамада қатнашганларнинг сўзларида Ҳаракат дастурини бажаришда бошланғич партия ташкилотлари, шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи амалга оширган ишлар эътироф этилди.

Хусусан, бевосита депутатларимиз ва партия фаоллари ташаббуси билан биргина «Тошлоқ» маҳалласида Болалар спорт майдончаси барпо этилгани, сув қувурлари янгиланиб, ичимлик суви таъминоти яхшилангани, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали 36 та янги иш ўрни яратилгани, 4 нафар фуқаро имтиёзли кредит олишига кўмаклашиб, қўшимча 15 та иш ўрни очилгани айтилди.

Шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, дастур ижроси бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш етарли даражада йўлга қўйилмагани қайд этилди.

«Оққўрғонлик» маҳалласидаги ҳудудий, «Жиззахпластмасса» очиқ акциядорлик жамияти, вилоят ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш маркази бошланғич партия ташкилоти, шунингдек, зиммасига аниқ вазифа юклатилган айрим депутатларнинг дастурга киритилган масалаларни мунтазам ўрганиб бориши, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиши талаб даражасида эмаслиги айтилди.

Йиғилишда шаҳар партия кенгаши ва депутатлик гуруҳи бу йўналишда бошланғич ташкилот етакчилари ва депутатларга амалий ёрдам кўрсатиши зарурлиги таъкидланди. Жорий йил якунига қадар Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни қайта таҳлил қилиб чиқиш, зарур таклифларни халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш вазифаси белгилаб олинди.

Тадбир сўнггида иштирокчилардан айримларига савол билан мурожаат қилдик: — Тадбир сиз учун фойдали бўлдими?

**Ботир ҲАМРОҚУЛОВ,**
***халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати:***

— Тадбирда Ҳаракат дастурини бажаришда партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашдаги депутатлар, ҳар бир партия аъзосининг зиммасидаги масъулият, мажбуриятни бажаришга алоҳида эътибор қаратилгани фойдали бўлди.

*Иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича дастурнинг тегишли бандлари ижроси юзасидан навбатдаги режаларни белгилаб олдик. Унда қуруқ ва баландпарвоз гап-сўзлар бўлмагани, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида аниқ фикрлар юритилгани ҳар биримизда масъулиятни оширишга хизмат қилишади, албатта.*

**Турғун НОРҚЎЗИЕВ,**
***партия фаоли, меҳнат фахрийси:***

— Кўплаб катта-кичик йиғинларда қатнашганман. Уларнинг айримларида зерикиб ўтирганимиз ҳам бор гап. Бундай тадбирларга вақт сарфлаб борганингга афсусланасан, киши. Аммо бугунги йиғилишга пухта тайёргарлик кўрилгани сезилиб турди. Маърузада ҳам аниқ мисоллар, амалий фикрлар айтилди. Бундан ҳар ким ўзига хулоса чиқарди. Масалан, мен Ҳаракат дастури ижросида иштироким нимадан иборат бўлиши керак, шуни ўзим учун белгилаб олдим.

**Ўғилой КОМИЛОВА,**
***«Оққўрғонлик» маҳалласи ҳудудий партия ташкилоти раиси:***

— Назаримда, бундай тадбирлар жойларда, бошланғич ташкилотларда кўпроқ ўтказилса, яхши бўлади. Чунки бошланғич ташкилот партиянинг қуйи бўғини, одамларга энг яқин ҳисобланади. Шундай экан, электорат манфаатига алоқадор муаммоларни аниқ ўрганиш имконияти ҳам қуйида кўпроқ.

**Маматкул ИНОМОВ,**
***«Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси, партия фаоли:***

— Тадбирларда узундан-узоқ, зерикарли маъруза қилиш, бош кўтармай матнни ўқиб бериш «тажриба»сидан воз кечиш керак. Бунинг ўрнига, кун тартибидаги масала бўйича аниқ, лўнда, муҳими, барча учун фойдали фикрлар айтилса кифоя. Ана шу йўналиш доирасида ўзаро савол-жавоб, баҳс-мунозара кўпроқ бўлса, масаланинг асл моҳиятига етиш, муаммоларнинг ечимини топиш осон бўлади. Яна бир гап. Ҳадеб тадбир кетидан тадбир ўтказавершидан наф йўқ. Бу борада сон эмас, сифат муҳим. Умуман, ҳаммага фойдали, амалий иш партияга обрў олиб келади. Бугунги тадбир бунга мисол бўла олади.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчимиз. Йил бошидан бери вилоят партия ташкилотлари 146 та катта-кичик тадбир ўтказган. Уларда узоқ-яқиндан таклиф қилинган кўплаб кишилар иштирок этган. Аммо ана шу тадбирларнинг ҳаммаси ҳам фойдали бўлди, деб айта оламизми? Афсуски, ундай эмас.

*Ҳатто туманлар миқёсида ташкил этилган айрим тадбирлар ҳам эскича усулда ўтказилмоқда. Аввалги тадбирларда сўзга чиқавериб, ҳаммага таниш бўлиб қолган кишилар яна сўз олиб, яна ўша — умумий, баландпарвоз гапларни такрорлайвериши йиғилишларга одамлар қизиқишини совутади.*

Яқинда Дўстлик туман партия кенгаши ўтказган «Одам савдоси ва диний бағрикенглик» мавзуидаги, Бахмал туман партия кенгаши уюштирган «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ҳақида»ги тадбирларга, ҳеч иккиланмай, шундай баҳо бериш мумкин.

Хўш, одамларга фойдаси бўлмаган, ҳеч бўлмаса, бир оғиз янги гап, янги фикр айтилмаган, кўпчиликнинг беҳуда вақтини олган бундай тадбирлар кимга керак? Аксинча, оз бўлсин-у, соз бўлсин. Йиғилишга келган одам бир нима олсин!

Аслида тадбир ўтказишдан мақсад кун тартибидаги масалани очиқ, ошкора, чуқур таҳлил этиш, баҳс-мунозара юритиш, ўзаро фикр алмашиш, шу асосда янги вазифалар белгилаб олиш эмасми? Номига ўтказиладиган йиғилишларнинг эса фойдасидан зарари кўпроқ бўлади. Буни ҳар биримиз унутмаслигимиз лозим.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎзХДП ҳаёти

**Қорақалпоғистон республика партия кенгаши** ижроия қўмитаси ҳамда Жўқорғи Кенгесдаги депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмита аъзолари, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирда парламент палаталари қўшма мажлисида Президентимиз илгари сурган Концепцияни ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш масаласи муҳокама этилди.

Кун тартибида ташкилий масала ҳам кўрилди. Хўжайли туман партия кенгаши раиси Қувват Қурбанбоев Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси вазифасини бажарувчи этиб сайланди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ**

●●●

**Наманган вилоят партия кенгаши** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти минтақавий ахборот-таҳлил марказида ўтказган йиғилишда парламент палаталари қўшма мажлисида Президентимиз илгари сурган Концепцияни ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш масаласи муҳокама этилди.

Иштирокчилар қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли ҳуқуқий онгини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назорати институти имкониятларидан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан фикрлашишди. Шунингдек, тадбирда партия электорати билан ишлашнинг ташкилий асосларини мустаҳкамлаш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини фаоллаштириш мавзуларига ҳам эътибор қаратилди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

●●●

**Бухоро вилоят партия кенгаши** ижроия қўмитаси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП фракциясининг электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган устувор ижтимоий вазифаларни бажаришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилди.

Вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Саида Жўраева бу борадаги ютуқ ва камчиликларни атрофлича таҳлил қилди. Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг навбатдаги вазифалари белгилаб олинди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи Васил Ҳусеновнинг «Вилоятда инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши» мавзуидаги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бош мутахассиси Ҳамза Бабаевнинг 2010 йилда вилоятда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақидаги ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ҳомид Қобиловнинг ўрта махсус ўқув юртлари битирувчиларининг иш билан таъминланиш даражаси тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Шунингдек, улар депутатлар ва партия фаолларининг саволларига жавоб қайтардилар.

**Обид ШАБАНОВ,**
**Моҳигул НАЗАРОВА.**

●●●

**Чиноз туман**идаги «Йўлтушган» қишлоқ врачлик пунктида хотин-қизлар ва болаларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш акцияси бўлиб ўтди.

Олий тоифали шифокорлар ўтказган тиббий кўрик пайтида касаллиги аниқланган айрим беморларга республика илмий тиббиёт марказларида даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Ўзбекистон ХДП «Фаол аёллар» қаноти туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилган бу тадбирда тиббий кўрикка келган аёллар иштирокида оилада соғлом турмуш тарзи мавзуида давра суҳбати ҳам ўтказилди.

**Толиб УЗГЕНОВ**

## Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз ЖАББОРОВ



Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудоликка учради.

Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов 2010 йил 13 декабрь куни 80 ёшида вафот этди.

Ж.Жабборов 1930 йили Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилди. 1952 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлади.

Меҳнат фаолиятини 1953 йили «Шарқ юлдузи» журналида бўлим мудири сифатида бошлади. Кейинчалик «Гулхан» журнали бош муҳаррири, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори каби масъул вазифаларда ишлаб, матбуот ва адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Устоз шоир ўзининг 60 йиллик серқирра ижодий фаолияти давомида «Ватанимни куйлайман», «Баҳор нафаси», «Мақсад йўлида», «Тоғлар садоси», «Она ер қўшиғи», «Субҳидам хаёллари», «Эътиқод» каби шеърий китоблари, долзарб мавзулардаги драматик асарлари, жаҳон мумтоз адабиётининг энг сара намуналаридан қилган бадиий таржималари билан адабиётимизда муносиб ўрин эгаллади. Айниқса, истиқлол йилларида Ватанимизнинг мустақиллигини, халқимизнинг озод ва эркин ҳаётини, инсон қадр-қимматини тараннум этувчи бадиий юксак шеър ва қўшиқлари, бунёдкор замондошларимизнинг фидокорона меҳнати, юртимиздаги улкан ислоҳот ва ўзгаришлар ҳақидаги публицистик мақолалари билан кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

Ж.Жабборов тажрибали адиб, жонкуяр ташкилотчи сифатида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, халқимиз ўртасида миллий ғоямиз тамойилларини кенг тарғиб этиш, ёшларни она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди. Кўп йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи сифатида фаолият юритиб, ўнлаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди.

Жуманиёз Жабборовнинг ўзбек адабиётини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» ва «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонлари, шунингдек, бир қатор орден ва медаллар билан мукофотланган.

Атоқли шоир, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Жуманиёз Жабборовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, А.АРИПОВ, Х.СУЛТОНОВ, А.ОРИПОВ, Б. АЛИМОВ, Ё.АҲМЕДОВ**



*Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг манзиллилигини кучайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилган истеъмол маҳсулотлари билан бозорни тўлдириш каби ҳаётий вазифалар белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», деб эълон қилиниши партиямиз электорати манфаатига ҳам бевосита хизмат қилади. Шу боис, бу ташаббусни ҳаётга татбиқ этишда муносиб иштирок этишимиз зарур, дейишмоқда партиямиз фаоллари.*

**ЎзХДП фаоллари**

# Хайрли ишлар ортида

## *ҳамфикрлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик мужассам*

**Паландара — тоғ даралари қўрғони. Қарийб 19 минг нафар аҳоли яшаётган 26 та қишлоқ тоғ ёнбағирларида жойлашган. Ярим миллиард йиллик тарихга гувоҳ Мотмон Давлат геологик қўриқхонасига тоғ қатламларини ўрганиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан тадқиқотчилар келишади.**

Жовуз ўрмон хўжалиги кўркам табиати ғайриоддийлиги билан ажралиб туради. ЎзХДП фаоли Хосият Алиқулова йигирма йилдан буён шу ҳудуддаги Дешқон қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилади. У доим одамлар билан бирга. Шунинг учун уни Китоб туманида кўпчилик яхши билади. У туман миқёсидаги турли масалаларга бағишланган тадбирларда фаол иштирок этади.

Туман ҳокимлиги ва партия ташкилоти ҳамкорликда ўтказган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига доир йиғилиш ҳам Дешқон қишлоғида бўлди.

— Ўғил-қизларимизни меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, касб-ҳунарга йўналтириш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — дейди Хосият Алиқулова. — Қишлоғимизда бунга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Туман ташкилотларидан соҳа вакиллари билан туман Кенгашидаги депутатларни ёнимизга олиб, ҳар бир хонадонга кириб, муаммоларни атрофлича ўрганаяпмиз, уларнинг ечими бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқаяпмиз.

Қишлоқ ҳаёти билан яқиндан танишиш жараёнида гувоҳи бўлдикки, бу ерда ҳар бир одам бирон-бир ҳунар эгаси. Йўл четларига тартиб билан терак экилган. Бировнинг томорқаси узумзор бўлса, яна биров анор парвариш қилган. Қишлоқ ихтисослашган мева етиштирувчи хўжаликка ўхшайди.

Асли касби ошпазлик бўлган Ҳабибулло Қурбоновнинг ҳовлиси гулзор. Дунёнинг энг ноёб гулларини ҳам топиш мумкин, бу ердан. Аллаёр Норимовнинг томорқасидаги анорзорни кўриб, баҳри-дилингиз очилади. Ўткир Қораев эса иккита кичик иссиқхона қурган. Бу кишиларнинг тирикчилиги, дастурхони тўкинлиги миришкорлиги орқасидан, албатта.

Бундан ташқари, қишлоқда Хосият опа бошчилигида оилавий ҳунармандчилик ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Олтмиш етти ёшли уста Жамил Раҳимов сават тўқир экан. У ўз ҳунари сир-асрорларини ёшларга эринмай ўргатади. Абдурашид Ҳамидов хонадонида эса миллий маданиятимизнинг ажралмас бўлаги — каштачилик санъати бўйича қизлар таҳсил олишаяпти.

— Қишлоғимиз тоғ ёнбағрида жойлашган, қаранг, суғориладиган ер жуда кам, — дейди Ислом Тошев. — Шунинг учун деҳқончилик ҳам қиламиз, ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланамиз. Биз етиштирган маҳсулотларга муносиб харидор топишда Хосият опа доимо бош-қош.

— Ҳозир аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш учун аниқ режа асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Розия Ашурова. — Туманда 210 мингдан ортиқ аҳоли бўлса, шундан 50 минг нафарга яқини тоғ ва тоғолди қишлоқларда яшайди. Уларда маиший хизмат соҳаларини ривожлантириш борасида манзилли режалар бажарилмоқда. Айниқса, ҳудуд аҳолисига кўрсатилаётган коммунал ҳамда тиббий хизмат сифатини яхшилаш доимо диққат марказида.

— Партиямиз Ҳаракат дастурида ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатиш белгиланган, — дейди Хосият опа. — Бу азалий қадриятларимиз ва анъаналаримизга жуда ҳамоҳанг. Шу боис, қишлоғимизда кам таъминланган хонадонларда уй меҳнатини, хусусан, касаначиликни янада кенгайтиришга эътибор бераяпмиз. Уларни қўллаб-қувватлашда қишлоқ оқсоқоллари ва партиямиз фаоллари бамаслаҳат иш қилаяпмиз.

Кишиларимиз томорқадан оқилона фойдаланиш, ҳар бир қарич ердан унумли ҳосил олиш учун курашади. Чунки бу турмуш фаровонлигига хизмат қилишини яхши билишади. Янгича фикрлаш ва астойдил ишлаш туфайли одамларнинг ҳаёти ўзгариб, қишлоқларимиз тобора обод бўлиб бораяпти. Муҳташам иморатлар, дўконлар, ҳавас қилса арзигулик тўйлар — бари меҳнат, она ерга меҳр, ўз ишига садоқат ортидан.

Бугун мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш энг муҳим вазифага айланган. Шундай экан, биз бу ҳудуд одамлари уста-деҳқон, қўлигул боғбон, моҳир ҳунарманд эканини, шу борада қадимий анъаналар яшаб келаётганини ҳисобга олиб, уларни янада ривожлантиришга, замонавий талаб ва тажрибалар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Бу эса меҳнатга меҳр уйғотиб қолмай, одамлар ўзини ўзи иш билан банд этишига замин яратмоқда. Биздан фақат шуни ташкил этиш, зарур пайтда қўллаб-қувватлаш талаб этилади, холос. Қолганини эл-улуснинг ўзи қилади. ЎзХДП фаоллари ҳамжиҳатликда олиб бораётган ана шу ишлар партиямизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилаяпти. Бунинг самарасини, мана, ўзингиз кўриб турибсиз...

Тоза тоғ ҳавоси, одамларнинг аҳиллиги ва меҳнатсеварлигидан кўнгилга ёруғ туйғулар инади. Энг муҳими, бу одамлар ҳалол меҳнати ва нурли интилиши билан юрт ободлигига ҳисса қўшмоқда. Хосият опага ўхшаганлар доимо савоб ишларнинг тепасида туради, ҳаётга жўшқинлик, файз ва барака олиб киради...

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикасида геоахборот тизимларини жорий этиш ҳамда давлат кадастрларининг ягона тизимини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар, Кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказишни хатлаш, фуқароларнинг муомала лаёқати бўйича нотариуслар фойдаланишини таъминловчи автоматлаштирилган тизимни яратиш концепцияси лойиҳаси, Давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш талаблари лойиҳаси ҳамда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йилги иш режаси муҳокама қилинди.

Муҳокама жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Давлат кадастрлари ягона тизими яратилгани ҳақидаги ахбороти ва ундан фойдаланишни кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда вазирлик ва идоралар томонидан давлат кадастрларини юритиш бўйича фаолиятларини такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлари тингланди.

Кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказишни хатлаш, фуқароларнинг муомала лаёқати бўйича нотариуслар фойдаланишини таъминловчи автоматлаштирилган тизимни яратиш масалалари бўйича Адлия вазирлиги таклиф ва мулоҳазалари муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчиларининг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги томонидан тақдим қилинган ушбу автоматлаштирилган тизимнинг яратиш концепцияси маъқулланди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун давлат органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларни интерфаол тарзда кўрсатилишини йўлга қўйиш, республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали интерфаол давлат хизматларини кўрсатиш талаблари кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Шу билан бирга, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йилги иш режаси лойиҳаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ва таклифлар берилди. Йиғилиш натижалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**(ЎзА)**

«Матбуот тарқатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz

# Юртимиз имконияти, куч-қудратини намоён этган ғалабалар!

Хитойда ўтган XVI Осиё ўйинларида 45 мамлакат вакиллари спортнинг 42 тури бўйича 476 та медаллар шодаси учун кураш олиб борди. Мамлакатимизнинг 224 нафар спортчиси 29 турдаги мусобақаларда қатнашиб, 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллашди.



Аввало, шуни таъкидлаш керакки, бу муваффақиятлар давлатимиз томонидан спортни ривожлантиришга берилаётган катта эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, спортчиларимизни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасидир. Айни чоғда бундай ғалабаларга иродали, ғурурли, Ватан шаънини улуғлашни олий мақсад деб билган спортчилар эриша олади.

Осиё ўйинларида ҳаммамизни қувонтирган яна бир воқеа — бу спортчи қизларимизнинг ёрқин ғалабалари бўлди. Мамлакатимизга биринчи медални ҳам қизларимиз тухфа этишди. 10 метр масофадаги нишонга пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича Яна Фатхи, Елена Кузнецова ва Сакина Мамедовадан иборат жамоамиз бронза медалини қўлга киритди. Машҳур спортчимиз Оксана Чусовитинанинг шогирдлари бўлган гимнастикачи қизларимиз Жанубий Корея вакилларини узоқ давом этган тенгма-тенг курашда ортда қолдириб, шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилгани ўзбек спорт гимнастика мактабининг янги авлоди камолга етаётганини кўрсатди.

Бадиий гимнастикачи қизларимиз эришган ютуқ янада юксак ва қувончли бўлди. Мамлакатимиз Президенти Конституциямиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу ҳақда алоҳида тўхталди.

Дарҳақиқат шундай. Спортнинг бу тури бўйича қизларимиз эришган натижа мутахассисларни ҳам лол қолдирди. Бироқ бу ғалабанинг асоси, замини борлигини яхши биламиз. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан бу спорт турини ривожлантириш бўйича кўп ишлар амалга оширилди.

Бундай юқори даражадаги мусобақада етакчи спортчиларнинг ибрат бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Саккиз нафар дзюдочимизнинг ҳар бири Осиё ўйинларининг қайсидир медалини қўлга киритди. Спортчиларимиз фахри бўлган Ришод Собиров эса 60 кг вазн тоифасида чемпион бўлди. 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов тезкор шоҳмот мусобақасида Осиё ўйинлари чемпиони бўлиб, жамғармамизга иккинчи олтин медални қўшиб қўйди. Эртаси куниёқ моҳир велоспортчимиз Владимир Тўйчиев 30 км пойгада марра чизиғини биринчи босиб ўтиб, олтин медаль билан шарафланди. Уларнинг муваффақиятлари жамоани руҳлантирди. Бадиий Гимнастикачимиз Луиза Галиулина эса жамоавий ва кўпкураш баҳсларида толиққан бўлишига қарамай, ўзи севган яккачўп мусобақасида 3-ўринга муносиб натижани кўрсатди. Ҳам жамоавий, ҳам алоҳида мусобақа якунида берилган қўш бронза медаллари унинг кўксини безади.

— Гимнастикачи қизларимизнинг жуда қийин мусобақада медаль қўлга киритишлари ҳавасимизни келтирди, — дейди шоҳмот бўйича Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори Нодира Нодиржонова. — Биз бундан руҳланиб, янада уюшқоқлик билан ўйнаб, медаль олишга эришдик.

Нафиса Мўминова, Ольга Ким, Юлдуз Ҳамроқулова, Нодира Нодиржоновадан иборат шоҳмот терма жамоамиз Ҳиндистондан келган рақибларини қийин учрашувда мағлубиятга учратиб, финалга чиқишди. Ҳал қилувчи учрашувда эса хитойлик шоҳмотчиларга кичик ҳисобда ютқазишди ва кумуш медаллар билан шарафланишди.

Шу ўринда енгил атлетикачимиз Юлия Тарасованинг шижоатини таъкидлашимиз керак. У еттикураш мусобақалари танаффус пайтида узунликка сакраш баҳсларида иштирок этиб, жамоамизга бронза медали қўшишга улгурди. Кейин еттикураш мусобақасини давом эттириб, шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Унинг кўксига ярашган олтин ва бронза медалларига қайси спортчининг ҳаваси келмаслиги мумкин.

— Икки кун финал мусобақалари бошланишини интизорлик билан кутдик, — дейди ҳам олтин, ҳам кумуш медаллари совриндори бўлган байдаркачимиз Сергей Борзов. — Биз бошқалардан кучлироқ эканимизни билардиқ, лекин буни мусобақаларда исботлашимиз керак эди ва исботладик ҳам.

Сергей дўстлари Алексей Бобожонов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов билан 1000 метрга эшкак эшишда олтин, эртаси куни Бобожонов билан 200 метрга эшкак эшишда кумуш медалга сазовор бўлди. Икки тажрибали байдаркачимиз — Сергей ва Алексей кўксида олтин ва кумуш медаллар ярқираб турганда, улар ёнига кўксига олтин ва бронза медаллари таққан Алексей Мочалов қўшилди. Эндигина 20 ёшга тўлган Мочалов 200 метрга эшкак эшишда 3-ўринни эгаллади.

Юртимизнинг биринчи ракеткачиси Денис Истомин жамоамизнинг кумуш медаль олишига салмоқли улуш қўшди. Кейин яккалик мусобақаларида ҳам кумуш медаль билан қаноатланди. Бадиий гимнастикачимиз Ульяна Трофимова ҳам жамоавий, ҳам кўпкураш мусобақаларида кумуш медалларни қўлга киритиб, мусобақа кашфиётига айланди. Тажрибали енгил атлетикачимиз Гўзал Хуббиеванинг 100 метрга югуришда кумуш, 200 метрга югуришда бронза медалларини қўлга киритгани ёш спортчиларимиз учун келгусида ибрат бўлади.

Номдор спортчилар ўз ғалабалари билан зарур пайтда жамоага кўтаринки кайфият бағишлайди. Икки карра жаҳон ва Осиё ўйинлари чемпиони Дилшод Мансуров эркин курашнинг 55 кг вазн тоифасида қитъамизда унга тенг келадиган рақиб йўқ эканлигини яна бир бор исботлади. Икки йилдирки, дунёнинг энг яхши каноэчиси деб тан олинаётган Вадим Меньковнинг 1000 метрга эшкак эшишда олтин медаль билан тақдирланиши спортчиларимизнинг ғалабага бўлган иштиёқини алангалатиб юборди. Унинг муваффақиятини Серик Мирбеков ва Герасим Кочневдан иборат каноэчилар жуфтлигимиз худди шу масофага эшкак эшишда такрорлади. Кейинги кунларда икки карра Олимпия чемпиони Артур Таймазов 120 кг вазн тоифасида, моҳир боксчимиз Элшод Расулов 81 кг вазн тоифасида рақибларига ҳеч бир имконият қолдирмай, ғалабалари шарафига Гуанчжоу спорт майдонларида Давлатимиз мадҳиясини янгратишди.

— Менга мухлислик қилганингиз учун барчангизга раҳмат! — деди Светлана Радзивил чемпион бўлган заҳоти микрофонга қараб ва кейин байроғимизни елкасида ҳилпиратганча майдон узра ғалабасини нишонлашга киришди. Светлана 195 см баландликни забт этиб, нафақат чемпион бўлди, балки ўз шахсий рекордини 2 см юқорига кўтарди.

Ҳа, Осиё ўйинларида ғалаба туҳфа этилмайди, унга эришиш учун машаққат чекилади. Ғолиб чиқиш учун Светланадай ўз шахсий рекордини янгилаш, Ришоддай Олимпия чемпиони, Дилшоддай жаҳон чемпионини яққол енгиш ёки Элшоддай бармоғи жароҳатланган бўлишига қарамай, оғриқларга дош бериб, охиригача курашиш керак. Аслида бундай нуфузли мусобақаларда олтин медалгина эмас, бронза медалга эгалик қилиш ҳам осон кечмайди. Бунинг учун Гўзалнинг 200 метр масофага югуришда рақибини сониянинг юздан бир бўлагича ортида қолдиргани ёки гимнастикачи қизларимизнинг жанубий кореялик спортчилар билан кечган тенгма-тенг баҳсдаги жасоратини эслаш кифоя.

Осиё ўйинларидаги ҳар бир медаль, ҳар бир ғалаба муросасиз курашчиларда қўлга киритилди. Президентимиз Фармойишига асосан Гуанчжоуда Ватанимиз шоншуҳратини бутун дунёга тараннум этган спортчиларимиз муносиб тақдирланишди. Қитъа олимпиадаси совриндорларини спорт федерацияларида, жойларда шарафлаш давом этаяпти. Улар шундай юксак ҳурмат-эътиборга муносибдирлар.

Албатта, Осиё ўйинлари натижалари мутасадди ва мутахассислар томонидан чуқур таҳлил қилинади. Бироқ энг аввало, нега айрим спорт турларидан ҳеч ким Осиё ўйинларига бормади, деган долзарб масала кун тартибига қўйилишини истардик. Осиё ўйинларига ҳали бирон марта вакилларини жўнатмаган спорт федерацияларимиз ҳам бор. Масалан, дунёдаги энг оммавий тур бўлган волейболни олайлик. Мамлакатимизда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган уч босқичли тизим — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари дастурига волейбол мусобақалари 2000 йилдаёқ киритилган. Бу мусобақаларда қанчадан-қанча истеъдодли волейболчи йигит-қизлар кашф этилди. Юртимизда бунёд этилаётган спорт мажмуларида волейбол майдонлари барпо этилиб, шу турни ривожлантиришга барча шарт-шароитлар яратилаяпти-ку?!

Ёки камондан отиш, от спорти турларини олайлик. Бу спорт турлари юртимизда теран илдизларга эга ва республикамиздан дунёга доңғи кетган ёйандозлар, чавандозлар етишиб чиққан. Уларнинг муносиб ворислари ҳозир ҳам кўплаб топилади. Фақат уларни излаш, топиш ва тарбиялаш керак. Юртимизда спортни ривожлантиришга эътибор берилаётган вақтда бу спорт федерацияларига Осиё ўйинларида муносиб иштирок этадиган спортчиларни тарбиялаши учун нима халал бераяпти?..

2014 йил Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида бўладиган 17-Осиё ўйинларида янада юқори натижаларга эришиш учун олимпиада дастурига киритилган барча спорт турларида иштирок этишимиз керак. Бунинг учун ҳануз хотиржам юрган спорт федерациялари бокс, дзюдо, эшкак эшиш, енгил атлетика каби федерациялардан ибрат олишлари керак.

Мамлакатимизда истеъдодли ёшлар кўп. Ҳамма гап федерациялар, мураббийлар қандай ишлаши, юрт шаъни учун қандай жон койитишига боғлиқ!

**Асрор МЎМИН**

Хорижда

## Сув сатҳи кўтарилгани боис

### кемалар қатнови тўхтатилди

Неча кундирки, кучли ёғингарчилик кузатилаётгани, натижада сув тошқинлари юз бериб, Панама каналида сув сатҳи ҳаддан зиёд кўтарилгани боис Панама маъмурияти каналда кемалар қатновини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. Тўғри, каналдаги тўғонлар очилиб, сув сатҳини меъёрга келтириш чоралари кўрилмоқда, аммо табиат инжиқлиги барибир устунлик қилмоқда.



«BBC News» хабар беришича, Атлантикани Тинч океани билан боғловчи бу каналда сув транспорти қатнови охирги марта 1989 йили — АҚШ Панамага бостириб кирган пайтда тўхтатилган эди.

1904 йилдан 1914 йилгача бўлган даврда қурилиб, фойдаланишга топширилган ушбу каналдан кунига 50 тага яқин ҳар хил турдаги кемалар (яхтадан тортиб улкан танкерлар ва контейнерлар ортилган баҳайбат юк кемаларигача) ўтади. Узунлиги 80 километрдан ортиқ бўлган ушбу сув йўли йил давомида тўхтовсиз ишлайди. Йилига 14 минг кемани ўтказиш қувватига эга.

Дарвоқе, кучли ёғингарчилик боис юзага келган сув тошқинлари Панамада 10 кишининг, қўшни Колумбияда — 46, Венесуэлада — 35 кишининг умрига зомин бўлди. Панамада 1,5 минг киши уй-жойсиз қолди.

## Солиқ имтиёзи

### вақтинча сақлаб қолинди

АҚШ президенти Барак Обама Молия вазирлиги ва конгрессменлар билан узоқ музокаралар ўтказгач, улар билан муросага келишга ва ўзига тўқ фуқаролар учун солиқ имтиёзини вақтинча сақлаб қолишга рози бўлганлигини матбуот анжуманида маълум қилди.



«CNN» хабарига қараганда, Жорж Буш маъмурияти даврида жисмоний шахслар учун жорий этилган солиқ имтиёзини амалда қўллаш муддати яна икки йилга узайтирилди (ушбу имтиёз муддати 2011 йилгача эди). Бундан ташқари, ишсизлик бўйича тўланадиган нафақа тўлови «схемаси» ҳам яна 13 ойгача амалда қўлланиладиган бўлди. Шунингдек, яна икки йил давомида маошлардан олинадиган солиқ миқдори 2 фоизга туширилган ҳолда амалга оширилади.

Маълумки, Барак Обама кимнингки, даромади бир йилда 200 минг доллардан ошса ёки оила даромади 250 минг доллардан ортса, амалдаги солиқ имтиёзини уларга қўлламаслик, яъни имтиёзни бекор қилиш таклифини илгари сурган эди. Бироқ қаршиликлар кўплиги боис бу таклиф амалга ошмади.

Конгресс ҳисоб-китобларига қараганда, солиқ имтиёзини сақлаб қолиш АҚШ бюджети учун 5 триллион долларга тушар экан.

Семинар

## Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Банклар ассоциациясида бўлиб ўтган семинарни республика Марказий банки раисининг ўринбосари Шуҳрат Ҳайдаров олиб борди.

Унда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг мазмуни ва унда банк тизими ҳамда кредит ташкилотлари олдига қўйилган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бинобарин, «Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида», «Гаров реестри тўғрисида», «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилиши кўзда тутилмоқда.

Ушбу тадбирда 2011-2015 йилларда молия-банк соҳасини ривожлантириш борасида ўрнатилган прогноз кўрсаткичлари ҳамда республикада микромолиялаш ва нобанк молия соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кўрилиши лозим бўлган чоралар тўғрисида ҳар томонлама тушунтиришлар берилди.

***Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.***

Жиноятга жазо муқаррар

## Қаллобликнинг қирқ бир усули

***Бандихон туман ижтимоий таъминот бўлимининг нафақа ва нафақаларни тайинлаш гуруҳи собиқ бошлиғи Абдирашит Донаев ҳамда иш юритувчи Ислом Жўраевларнинг найранглари ҳақида***



...2007 йилнинг баҳорида туманнинг «Қонғисой» маҳалласида яшовчи Х.Ғаффоров укалари — Бахтиёр ва Эшқувватни ногиронлик нафақасига чиқаришни сўраб, Абдирашит Донаевнинг ҳузурига киради.

— Муаммоингизни ўзим ҳал қилиб бераман, — дейди гуруҳ бошлиғи. — «Хизмат ҳақи» учун 30 минг сўм пул ва паспортларини берсангиз, кифоя... Сўнгра «...эртага учрашинг, келгуси ойда албатта оласизлар», қабилидаги қуруқ ваъдалар билан орадан тўрт ойча вақт ўтади.

— Анча кутдингиз «отам», — дейди кунларнинг бирида «мижоз»ининг қўйнини яна пуч ёнғоққа тўлдирган Абдирашит. — Шу десангиз, бирatўла ўзингизга ҳам нафақа тайинласам, қандоқ бўларкин?

Август ойи бошларида 250 минг сўм пулни санаб олган «ҳожатбарор», «Сиз бораверинг, сентябрдан нафақали бўласиз», — дея тағин юпатди отахонни. Укаларига эса декабрь ойидан пул берилармиш... Қўй сотиб, маблағ «улашган» нуроний қарийб бир йилга яқин сарсон-саргардон бўлса-да, ўзига ҳам, укаларига ҳам нафақа ололмади...

— Абдирашит Донаев, — дейди жабрланганлардан Б. Қобилов. — 2007 йилнинг августь ойи бошларида уйимизга келиб, агар 250 минг сўм «шапка»си бўлмаса, нафақа тўғирлаш чўзилиб кетишини айтди. Уч бош қўйни 260 минг сўмга сотиб, шунинг 250 мингини унга бердим... Ёз ўтиб, қиш келдики, нафақадан дарак йўқ. Бир йилга яқин бўлимга қатнайвериб, охири силлам қуриди.

Сизга «арзимас» хизмат чиқиб қолди, — деди Абдирашитбой кунларнинг бирида. — Янги йилга битта яхши қўй керак, агар шунинг йўлини қилсангиз, нафақангизни умуман тўхтатмайман...

28 декабрь куни 150 минг сўмлик жониворни машинага ортиб, ишхонасига бордим. Қўйни ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Э.Худойқуловнинг уйига ташлайдиган, Абдирашит эса бугундан нафақа ёзадиган бўлди...

Ҳам пулидан, ҳам молидан айрилган Б.Қобилов эса «Қачон нафақа келаркин», дея кўзлари тўрт бўлганча, дарвозага термулиб ўтиравердди...

Абдирашит Донаевга 300 минг сўм пул «ҳадя» қилган Э. Алланазаров ҳам орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтсада, нафақа кутиб қолаверган.

Қонғисойлик Т.Бозоров амалдаги қонунларга асосан, 2009 йилга қадар ҳар ойда 58 минг сўмдан ногиронлик нафақасини олиб турган. Ўзгалар ишончини суистеъмол қилиш «ҳадис»ини олган Абдирашит Донаев уни қарийб уч баробар — 150 минг сўмга кўтариш мумкинлигини айтганда, бу «ҳиммат»дан отахоннинг боши кўкга етди. Бунинг учун «ҳомийлик ставка»си 400 минг сўм қилиб белгиланди. Боқувдаги уч яшар қорамол 325 минг сўмга сотилгач, 300 минги «ҳожатбарор»га берилди.

О.Жумаева 2008 йилнинг баҳорида операция бўлади. Узоқ вақт даволангач, ногиронлик нафақасига чиқишни кўнгилга тугиб, Ислом Жўраевга рўбару келди.

Иш юритувчи ва гуруҳ бошлиғи «ёрдамлар»и учун бечораҳол бемордан очиқчасига 500 минг сўм пул талаб қилади. Ҳамтовоқлар дастлаб 400 минг, орадан кўп ўтмай яна 100 минг сўмни санаб олишади...

Бандихонликларни чув туширгани камлик қилгандек, бу икки «оға-ини» энди Шерobod сари юзланишади. 2009 йилнинг 14 мартида улар туманнинг «Бойбулоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи Э.Норбоевнинг уйига боради. Мақсад-муддаони эшитган соҳиб:

— «Шерободда яшаётганлар ҳам Бандихондан нафақага чиқса бўлар экан-да», — дейди иккиланиб.

— «Отам», — дейди устамонлар сўзамоллик билан, — ахир кўп йиллар Бандихонда тракторчилик қилиб, чўлни обод этганингиз тўғрисида бизда ҳужжатлар бор. Сиз 350 минг сўм пул, паспорт нусхаси, маҳалладан маълумотнома ва невараларнинг гувоҳномаларини берсангиз бас...

Э.Норбоев шу куннинг ўзидаёқ 150 минг сўм пулни «учарлар»га «тортиқ» этган. 55 ёшдаёқ нафақахўр бўлишни орзу қилган тракторчи 380 минг сўмга қорамол сотгач, 200 минг сўм пул ва тегишли ҳужжатлар Абдирашит Донаевга етказилади.

Ҳавойи маблағ топишнинг антиқа йўлларини «ихтиро» қилаётганлар навбатдаги «ўлжа» сифатида Х.Эшқуловни «нишон»га олади. Янги қарор бўйича Бандихондан 32 кишига нафақа тайинланаётгани, бунинг учун эса уларнинг ҳар бири 400 минг сўм «қистириш»и таъкидланади. «Меҳмон» қарасаки, хонадон эгаси ҳам анойилардан эмас. Таклифга ишонқирамай турибди. Таъмагир бир зумда йўлини топади. Х.Эшқуловдан 400 минг сўм қарз олгани тўғрисида тилхат ёзиб, пулни чўнтакка урганча жуфтакни ростлади...

...Ижтимоий таъминот бўлимидаги «қароқчилар»нинг айрим «саргузаштлари» ҳақида тўхталдик, холос. Аслида улар 2009 йилнинг баҳорида кўп ва хўп «юриш» қилишган экан. Ўзингиз, турмуш ўртоғингиз ёки фарзандингизга нафақа пули тайинлаймиз, деб Х.Ғаппоров, А.Тўрақуловдан 300 минг сўмдан, Т.Аliқулов, Б.Алиқуловдан 400 минг сўмдан, А.Мухторов, Ш.Қаҳҳоровалардан 350 минг сўмдан, Х.Чориевдан эса 315 минг сўм-жами 2 миллион 435 минг сўм пул олишган.

Нафси ҳакалак отган Абдирашит Донаев 2009 йилнинг 11 августида 11-умумий ўрта таълим мактаби директори Х.Назаровни «доғ»да қолдиради. Ўзининг эски найрангларини қўллаган юлғич зиё масканидаги 1 миллион 400 минг сўмлик замонавий компьютер ҳамда принтерни яқин кунларда қайтариш шарти билан олиб кетган...

Кўп ўтмай қинғир ишларнинг қийиғи чиқиб, ҳаром пул талвасасига тушган текинхўрлар тумшуқларидан илинди.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди ҳукми билан Абдирашит Донаев ва Ислом Жўраев узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

***Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.***

«Матбуот тарқатувчи» АК 2011 ЙИЛ УЧУН МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА Тел: 233-75-49, сайт: www.akmt., e-mail: info@akmt.uz



Спорт

## Ёш полвонлар Деҳлида беллашади

■ Шу йилнинг 14-18 декабрь кунлари Деҳлидаги «Алкатора» спорт мажмуида кураш бўйича ёшлар ўртасида VI жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Унда дунёнинг элликдан зиёд давлатидан спортчилар иштирок этиш истагини билдиришган. Ғолиб ва совриндорлар ўн тўрт вазн тоифасида аниқланади.

— Мусобақага мамлакат биринчилигининг энг кучли курашчилари билан йўл оляпмиз, — дейди бош мураббий Мурод Дўсимбетов. — Чемпионат олдидан сўнгги ўқув-машғулот йиғинини пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари спорт коллежида ташкил этдик. Деҳлида ўтадиган баҳсларда қизлар ўртасида Феруза Султонова (48 кг), Дилдора Мелиқулова (52 кг), Шаҳноза Оқбўтаева (57 кг), Гўзал Фармонова (63 кг), Хуршида Чориева (70 кг), Нодира Ҳамроева (78 кг), Дилфуза Темирова (+78 кг), йигитлардан эса Зафар Фармонов (60 кг), Сарбоз Жабборов (66 кг), Рифат Шаропов (81 кг), Малик Жўраев (73 кг), Жавлонбек Умаров (90 кг), Орзубек Тўйлиев (100 кг) ҳамда Рустам Элов (мутлақ вазнда) юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишларига ишонамиз.

## Навбат Параосиё ўйинларига

■ Гуанчжоу (Хитой)да имконияти чекланган спортчилар ўртасида ёзги Параосиё ўйинлари бошланди. Унда қитъамизнинг қирқ беш давлатидан уч минг нафарга яқин спортчи медаллар учун кураш олиб бориш-моқда.

Ўзбекистон спорт делегацияси мусобақада қатнашиш учун 7 декабрь куни Хитойга жўнаб кетган эди. Вакилларимиз Параосиё ўйинлари дастуридан жой олган камондан ўқ отиш, енгил атлетика, милтиқдан ўқ отиш, дзюдо ва пауэрлифтинг спорт турлари бўйича ўз омадларини синаб кўришади.

Мусобақалар 19 декабрга қадар давом этади.

**Эркин ХОЛБОБО**


## «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тендер комиссияси



*Магистрал темир йўлларнинг Р.65 Т1 рельслари, узунлиги 25 метрли (тирқизсиз) 10 000 тонна миқдорида сотиб олиш учун 2010 йилга 7-сонли тендер эълон қилади.*

*Тўлов шарти — маҳсулот белгиланган станцияга келиб тушганидан сўнг 70 банк куни мобайнида, Ўзбекистон Республикаси юк божхона декларацияси ва олиб кириш карточка варақалари.*

*Тендер ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 7-уй «Ўзбекистон темир йўллари» «Темирйўлёнилғитаъмин» бошқармаси, 410-хона.*

*Телефонлар: 8 (371) 237-94-72, 237-96-33.*

*Тендерда қатнашиш учун буюртмалар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.*


Тадбир

## Илмий-амалий конференция

■ Мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар натижасида юртимизда судловнинг янги, нодавлат тури — ҳакамлик судлари жорий этилди. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимиз суд тизимига низоларни давлат судларидан ташқари, бутун дунёда суд институти сифатида тан олинган арбитраж тартибида ҳал этиш имконияти вужудга келди.

Ҳозирда Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси республикамизнинг деярли барча вилоятларида ўз ваколатхоналарини очди.

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси ўзининг бир ярим йиллик фаолияти давомида қатор халқаро ташкилотлар, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатларнинг арбитраж судлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Масалан, АҚШ, Англия, Франция, Италия, Германия, Швейцария, Япония, Корея, Сингапур, Малайзия сингари қатор давлатлар шулар жумласидандир.

Ҳакамлик судларининг республикамизда фаолият кўрсатиши, нафақат маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлайди, балки мамлакатимизда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва республикамизга кириб келаётган хорижий давлатларнинг инвестициялар оқимини кўпайтириш учун ҳам кенг шарт-шароит яратишга кўмаклашади.

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциациясининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлидаги муҳим қадамларидан бири Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти билан «Ўзбекистон ҳакамлик судьялари малакасини ошириш» қўшма лойиҳаси саналади. Мазкур лойиҳага мувофиқ, куни кеча Ўзбекистон Ҳакамлик судлари Ассоциацияси ва ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори ҳамда Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази билан ҳамкорликда «Ҳакамлик муҳокамасига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда ҳакамлик муҳокамаси, мазкур соҳадаги хорижий давлатлар тажрибаси ва ҳакамлик судлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари хусусида сўз борди.

Мазкур халқаро илмий-амалий конференция ҳакамлик судьялари ва ҳакамлик судьялигига номзодларни қайта тайёрлаш, ҳакамлик судьялари ўртасида низоларни кўриш бўйича тажриба алмашиш ҳакамлик судлари ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Равшан ШОДИЕВ**

Семинар

■ Тошкент шаҳар ҳокимлигида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан «Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ҳамда содир бўлганда муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

## Фавқулодда вазиятларда

### *биринчи галдаги вазифа аҳоли хавфсизлигидир*

Семинарни Фавқулодда вазиятлар вазири **Турсунхон ХУДАЙБЕРГЕНОВ** кириш сўзи билан очар экан ўтган давр мобайнида Давлат тизимига кирувчи вазирлик, идора, қўмита ва муассасалар билан ҳамкорликда бир қатор амалий ишлар қилингани тўғрисида тўхталиб ўтди. Президентимизнинг «2010 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини сел, тошқин ва кўчки ҳодисалари хавфи билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси мажлиси баёнлари талабларини бажариш борасида вазирликнинг ҳудудий бошқармалари, «Ўзгидромет» маркази, Геология ва минерал ресурслари давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар ходимлари билан ҳамкорликда сув тошқинлари, сел оқимлари ва кучли хавфи мавжуд ҳудудлар олдиндан ўрганиб чиқилган. Натижада баҳор-ёз мавсумида гидрометреологик хавфли ҳудудлардан 834 нафар аҳоли хавфсиз жойларга кўчириб ўтказилган.

Жорий йилда вазирлик томонидан Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудларидаги қор захиралари ҳамда баланд тоғ кўлларининг ҳолатини баҳолаш, қор кўчиш ва сел хавфи бўлган жойларни аниқлаш мақсадида 4 маротаба аэровизуал кузатув ишлари амалга оширилган. Шунингдек, республикамиз ҳудудларидаги дарё ва сойлар ўзанларини тозалаш, қирғоқ ҳамда гидротехник иншоотларни мустаҳкамлаш учун 1771,7 минг м.куб тупроқ, 93088 минг м.куб тош ва бетон ишлари бажарилган, 1160,7 пог.км магистрал каналлар ўзанлари тозаланган.

Фавқулотда вазиятлар, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат геология қўмитаси ҳамда «Ўзгидромет» маркази мутахассислари ҳамкорлигида ёзги дам олиш оромгоҳларининг мавсумга тайёргарлик ҳолатлари тўлиқ текширилиши натижасида 219 та оромгоҳдан 42 таси (сел ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларга жойлашгани сабабли) мавсумда фаолият кўрсатиши чекланган.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш, бунинг учун тегишли чора-тадбирлар кўрилиши натижасида 2010 йилнинг 11 ойи давомида 2009 йилнинг шу даврига нисбатан фавқулодда вазиятлар сони 41,5 фоизга камайган.

Семинар давомида қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакилларининг мавзуга доир маърузалари тингланди, иштирокчилар ўз саволларига тегишли жавоблар олишди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

Ўқинг, қизиқ

■ Дунёда байрамлар кўп экан. Айримлари ҳақида эшитмаган бўлишингиз ҳам мумкин. Қолаверса, ўзимизда ҳам бундай байрамлар оз эмас. Қовун сайли, қовоқ байрамларини эсга олсангиз, кифоя.

15 декабрь эса Халқаро чой куни. Бу кун ҳеч бўлмаганда, яқинларингиз билан бир пиёла чой устида суҳбатлашинг.



# Бир пиёла чойимиз бор!

Айнан 15 декабрни чой куни сифатида нишонлаш ҳақида Бутунжаҳон жамоатчилик форумининг 2004 йил Ҳиндистоннинг Мумбай ва 2005 йили Бразилиянинг Порт-Аллегро шаҳарларида бўлиб ўтган анжуманларида қарор қилинди. Ўз-ўзидан тушунарлики, бу байрам асосан Ҳиндистон, Шри-Ланка, Непал, Хитой, Вьетнам, Индонезия, Кения, Малайзия каби чой етиштирадиган мамлакатларда кенг нишонланади. Ушбу сана баҳонасида чой етиштириш, уни сотиш, кичик ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг муаммоларига ҳукумат ва фуқароларнинг эътибори қаратилади.

Афсоналарга кўра, Хитой императори Чен Нунг (эрамиздан олдинги III мингйиллик) ичиши учун қайнатилаётган сувга бир нечта япроқ тушиб, сув оч жигарранг тусга киради. Ичимлик императорга жуда ёқади ва бу ўсимлик япроғини йиғишни буюради. Биз ичаётган чой айнан ўша император кашф этган ғаройиб ўсимлик бўлса ажаб эмас.

Чойнинг турлари каби ҳар хил мамлакатларда уни ичиш анъаналари ҳам турфа хил. Бу ажойиб ичимликнинг фойдали хусусиятларини минг йиллар давомида аждодларимиз амалиётда сезган бўлишса, фан тараққий этиши билан илмий жиҳатдан тасдиқланди. Чой худди сут каби суяклар мустаҳкамлигини оширади, юрак учун фойдали, шунингдек, стоматолог ҳузурига камроқ боришга ёрдам беради. Бир пиёла оқ чой билан ўн пиёла олма шарбатидаги антиоксидантлар миқдори баробардир. Чойнинг айрим турлари иштаҳани пасайтиришга хизмат қилар экан.

*Дарвоқе, барча навдаги чойлар Camellia Sinensis дарахтидан олинади. Доимо ям-яшил бу дарахт ўн метргача ўсиб, 50 йил давомида ҳосил бериши мумкин.*

Чой дамлашнинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд. Кичкина бола ҳам қойиллатади-ку бу ишни, дейишга шошилманг. Гапимизнинг исботи — бир хил сув ва қуруқ чойдан икки киши дамлаган чой бири-биридан анча фарқ қилиши мумкин. Чунки кимдир чой дамлашнинг кичкина сирларини билади ва амал қилади, яна биров бунга жуда оддий ва осон иш сифатида қарайди.

Ваҳоланки, сувни қайнатишдан тортиб чойнакка солинадиган чой миқдоригача эътибор қилиш лозим. Чойнакни сув тўлиқ қайнамай, майда-майда пуфакчалар пайдо бўлиб, ранги хира тортиб, оқаргандек тусга кирган заҳоти ўтдан олишингиз лозим. Худди ана шу вақтда сув ажойиб физикавий-кимёвий хоссаларга эга бўлади. Чойнакни қиздириб олинг - бунинг учун уни қайноқ сувга тиқиб, бир-икки дақиқа ушлашингиз ёки қайноқ сув билан чайиб ташлашингиз мумкин.

Чойнакка солинадиган қуруқ чой миқдорини белгилаш ҳам муҳим. Англияда «ҳар бир чашка учун бир қошиқ, чойнак учун бир қошиқ», деган гап юради. Албатта, чойни «суюқроқ» ичадиган биз учун бу меъёр тўғри келмайди-ю, айрим нарсаларни ҳисобга олиб қўйсангиз, зарар қилмайди. Масалан, қора чойга нисбатан кўк чойнинг таъми кучсизроқ бўлади. Йирик барглига нисбатан майда баргли чойнинг мазаси ўткирроқ. Демак, йирик баргли чой дамлаганда бироз қўли очиқлик қилишимиз лозим. Шунингдек, чойни тўйимли овқатдан кейин ичаётган бўлсангиз меъёрни бироз оширишингизга тўғри келади. Чунки бу вақтда таъм билиш сезгиларингиз бироз ўтмаслашган бўлади.

Энди навбат чойнакка қайноқ сувни қуйишга келди. Сувни бир нуқтага эмас, бутун чойнак ичини айлантириб қуйинг. Юзада чой барглари қалқиб қолмаслиги керак, агар шундай бўлса, чойингиз сифатсиз, ўта қуруқ экан. Шунингдек, кўпик пайдо бўлмаслиги ҳам маҳсулотнинг сифатсизлигидан ёки бўлмаса уни жуда кам солганингиздан далолат беради. Бир-уч дақиқа дам егандан кейин чойни бемалол қуйиб узатаверасиз.

Қаранг, чой қуйиш одобидан ҳам шунча гап келиб чиқар экан. Демак, чой кунини бежиз белгилашмаган экан. Нима бўлганда ҳам, чой энг севимли неъматларимиздан бири. Ҳатто етти хил таом тайёрлаб, меҳмон чорлаётган бўлсак ҳам, бир гапни айтамиз: УЙГА ЎТИНГ, БИР ПИЁЛА ЧОЙИМИЗ БОР...

**Шарофат ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.**


BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA (Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — (374) 225-32-70
Buxoroda — (365) 223-06-02
Gulistonda — (367) 225-46-45
Jizzaxda — (372) 227-48-35
Navoiyda — (436) 223-83-73
Namanganda — (369) 226-43-81
Nukusda — (361) 222-77-21
Samarqandda — (366) 235-02-55
Urganchda — (362) 517-30-58
Farg`onada — (373) 224-18-78
Denovda — (376) 412-37-80

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
To`lqin TO`RAXONOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 1149
*7568 nusxada bosildi*
*t — Tijorat materiallari*
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.25
Topshirilgan vaqti — 00.05
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda